МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҚЎҒИРЧОҚ ЯСАШГА ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

М.ОРТИҚОВА, З.АЗИЗОВА

В статье рассматриваются вопросы методики обучения дошкольников изготовлению кукол, освещена технология изготовления, разработаны конкретные рекомендации.

In this article is considered the questions of technique of training elementary schools pupils to manufacturing of dolls, the technology of manufacturing is covered, the concrete recommendations are developed.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, маънавий баркамол инсон қилиб камол топтириш - жамиятимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилди. Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, унинг самарали ривожи узлуксиз равишда халқ таълими соҳасига сингиб бораётган ислоҳотларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Республикамизнинг кундан-кунга жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаб бориши, ривожланган давлатлар билан тенглик тамойили асосида ўзаро ҳамкорликка эришиши, нафақат ота-оналар, балки мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари зиммасига ҳам болани ёшига муносиб тарзда ҳар томонлама тарбиялаб бориш зарурияти юкламоқда.

Маълумки, болага мактабгача ёшида берилган таълим-тарбия унинг бутун ҳаёти давомида муҳим ўрин тутади. Болаларнинг ижодий фаолияти сифатида уларни қўғирчоқ ясашга ўргатиш – қўғирчоқ билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг “тили”да фикр алмашиш, махсус ифода воситаларини қўллаш воқеа-ходисаларга нисбатан хис-туйғуларини билдира олишга олиб келади.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “…ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади” [1,157].

Қўғирчоқ – болаларнинг энг севимли ўйинчоғидир. Ҳар бир халқнинг қўғирчоғи ўзининг педагогик, бадиий ва амалий анъанасига риоя қилинган ҳолда тайёрланади. У болада воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳис-туйғу уйғотади. Бола қўғирчоқ ясаганда дилдан қувонади ва хаёлан қўғирчоқни жонли ҳис этади.

Ҳар бир тарбиячи, аввало, ўзи қўғирчоқ ясашни билиши лозим, шундагина у болаларга тушуниш осон тарзда, содда усулда ўргатиши мумкин бўлади. Бола тарбиячи раҳбарлигида қўғирчоқ ясар экан, ўзи ишлаётган материалнинг хусусияти (эгилувчанлиги, қалинлиги, юпқалиги) ни, унинг кўринишини ўзгартириш мумкинлигини билиб олади ва энг аосийси, болада ижодкорлик қобилияти таркиб топади. Тарбияланувчиларни ижодий меҳнатга тайёрлаш уларнинг қизиқишлари, мойилликлари ва имкониятларига асосланган қўл меҳнати ҳисобланади. Қўл меҳнати жараёнида болада, асосан, ташландиқ (кераксиз, чиқинди) материаллардан фойдаланиш, сунъий хом ашёлар билан ишлаш кўникмалари ҳосил қилинади.

Дастлаб тарбиячилар болалар меҳнатини ташкил этишда қуйидаги ***иш услуби***га риоя қилишлари лозим:

- ясалаётган қўғирчоқ тури ва унинг ўзига хос хусусияти ҳақида оғзаки тушунча бериш;
- керакли жиҳозлар, улардан тўғри ва эҳтиёткорона фойдаланиш ҳақида тарбиячи эслатмаси;
- асосий ишни бошлаш, ҳар бир ҳаракатлар кетма-кетлиги олдидан тарбиячининг амалда кўрсатмаси;
- ҳар бир тарбияланувчининг хатти-ҳаракатини кузатиш;
- ўз вақтида рағбатлантириб бориш, амалий ёрдам бериш;
- боланинг бемалол ҳаракат қилиши ва ишлаши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш;
- тайёр қўғирчоқларни намуна сифатида кўрсатиш;

- вақтдан унумли фойдаланиш;
- иш жойини озода сақлашга ўргатиш ва ҳоказо.

Қўғирчоқ ясашда қуйидаги ***талаб***лар мавжуд бўлиб, бу борада тарбиячининг ***шахсан намунаси ва кўрсатмаси*** муҳимдир:

- қўғирчоқ миллийликка йўғрилган, анъаналарни сақлаб қолган, ўзбекона турмуш тарзини ўзида акс эттирган бўлиши лозим;
- қўғирчоқ болага жароҳат етказмайдиган, ўйнаш учун қулай, бола соғлиғига зарарсиз, бежирим тайёрланиши керак;
- қўғирчоқ боланинг қизиқишларига мос келиши, ҳар хил ўйинларда фойдалана оладиган, ижодкорликка ундайдиган бўлиши лозим;
- қўғирчоқнинг ташқи кўриниши самимий, хушчақчақ бўлиши мақсадга мувофиқдир;
- иш жараёнида эстетик дидга эътибор қаратиш;
- болаларнинг жисмоний ривожланганлигини эътиборга олиш;
- болада ясаган қўғирчоғига нисбатан муҳаббат ҳиссини уйғотиш, меҳнатнинг натижасидан қувониш, масъулиятли бўлишга ўргатиш;
- ўртоқлари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро ёрдамлашишни қарор топтириш;
- ясалаётган қўғирчоқ боланинг ёш ва билим савиясига мос бўлиши, унинг ташқи қиёфаси тасвиридан бола завқланиши лозим;
- қўғирчоққа берилган рангларнинг турли-туманлиги, кийимининг бежиримлиги, ясалишининг соддалиги бола руҳиятига катта таъсир кўрсатишини инобатга олиш.

Бу борада тадқиқотчи С.Абдуллаеванинг фикри ғоят ўринлидир: “Қўғирчоқлар... Уларнинг жони йўғу юзи, ҳаракатлари, ҳис-туйғуларга бой. Уларнинг тили йўғу, лекин келажак авлодга айтар сўзи бор. Зеро, улар маънавий меросимизнинг узвий бир қисми. Уларни асраб-авайлаш, ардоқлаш, болаларга шу ҳикматларнинг ҳаммасини тушунтириш бурчимиздир” [2;16].

Олиб борилган изланишлар давомида болалар учун турли қўғирчоқларни ясаш технологиялари ишлаб чиқилди. Хусусан, япалоқ (текис) қўғирчоқлар, қўлқопли қўғирчоқлар, қутили қўғирчоқлар, қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар шулар жумласидандир.

Намуна сифатида япалоқ (текис) қўғирчоқларни ясаш технологиясини қисқача баён қиламиз:

1. Япалоқ (текис) қўғирчоқлар ясаш.

Керакли жиҳозлар: юпқа ва қалин картон қоғозлар, қалам, қайчи, елим, рангли қоғозлар (рангли қалам ёки рангли бўёқлар бўлиши ҳам мумкин).

1-босқич. Тасвир чизиш.

Турли хил кўринишдаги тасвирлар (ҳайвонлар, одамлар ва ҳоказо) юпқа картон қоғозига чизилади.

2-босқич. Нусха кўчириш.

Чизилган тасвир қайчида қийиб олиниб, қалин картон қоғоз устига қўйиб, атрофлари қалам билан чизиб олинади. Худди шу ҳаракат иккинчи нусха учун ҳам такрорланади. Сўнгра ҳар иккала нусха қайчи билан қирқиб олинади.

3-босқич. Елимлаш.

Тайёр қирқиб олинган тасвирлар бир-бирига елим билан ёпиштирилади. Ушбу жараёнда иккала нусханинг бир-бирига текис ва атрофлари тенг устма-уст тушишига эътибор қаратиш зарур.

4-босқич. **Пардозлаш.**

Тайёрланган қўғирчоққа пардоз бериш жараёнида рангли қаламлардан ёки рангли қоғоз ва турли бўёқлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу жараёнда эстетик дид муҳим ўрин тутади. Безакни танлаш қўғирчоқнинг характер хусусиятларидан келиб чиқади.

5-босқич. Ўрнатиш.

Япалоқ (текис) қўғирчоқ ясаш жараёнида ушбу босқич муҳим аҳамият касб этади. Негаки, бундай қўғирчоқларга тик турган ҳолатда баҳо берилади. Ўрнатишда қўғирчоқнинг пастки қисмидаги қоқ ёпишган еридан қисман очиб, остига мувозанат сақлаши учун муайян ўлчовда янада қалинроқ картон қоғози ёпиштириш мумкин. Ёки бўлмаса, пластилиндан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, тарбиячилар томонидан машғулотлар жараёнида қўғирчоқ ясашнинг самарали усуллари ва |лғор иш тажрибаларнинг қўлланилиши муҳимдир. Шу билан бир қаторда, боланинг ҳар бир ижодий меҳнати нафақат тарбиячи томонидан, балки, ота-оналар ва оила катталари томонидан рағбатлантирилиб борилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ота-оналар томонидан бола ёшига мос ва эстетик жиҳатдан бола руҳиятига таъсир этадиган қўғирчоқларнинг харид қилиниши кўзланган натижани беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
2. Абдуллаева С. Қўғирчоқларнинг айтар сўзи бор. // Мактабгача таълим.- 2008.- №4.- Б.16

Андижон давлат университети,
2009 йил 25 ноябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)